

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ  
УНИВЕРСИТЕТИ

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



СамДУ ректори

проф.

Р.И.Халмурадов

2022 йил

- 06.01.07- МЕВАЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК ИХТИСОСЛИГИ  
БҮЙИЧА ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРАГА  
КИРИШ СИНОВЛАРИ УЧУН МАХСУС ИХТИСОСЛИК  
ФАНЛАРИДАН

ДАСТУР ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ

Самарқанд-2022 й.

### **Аннотация:**

Дастур 06.01.07- Мевачилик ва узумчилик ихтисослигига киругчилар учун 5A411002 — Мевачилик 5A411003 -Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш мутахассисликларини 2019 йилда тасдиқланган ўкув режасидаги асосий фанлар асосида тузилди.

### **ТУЗУВЧИЛАР:**

Хашимов Ф.Х.

СамДУ, Агрокимё ва ўсимликларни химоя қилиш кафедраси мудири, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Нормуродов Д.С.

СамДУ, Агрокимё ва ўсимликларни химоя қилиш кафедраси профессори, кишлоқ хўжалиги фанлари доктори

Халмирзаев Б.Х.

СамДУ, Агрокимё ва ўсимликларни химоя қилиш кафедраси доценти

Дастур Агробиотехнологиялар ва озиқ-овқат хавфсизлиги институтининг 2022 йил “\_\_\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги № \_\_\_\_\_ сонли Кенгаш ийғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқлашга тавсия этилган

## **КИРИШ**

06.01.07- Мевачилик ва узумчилик ихтисослигига - Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги соҳасидаги йўналиш бўлиб, у мева ва резаворлар, сабзавотлар, картошқа ва полиз маҳсулотларининг келиб чиқиши, тарқалиш тарихи, халқ хўжалигидаги аҳамияти, кимёвий таркиби, ҳозирги ҳолати ва ривожланиш истиқболи ҳамда ташқи муҳит омилларига бўлган талаби ва соҳа истиқболини белгилашга, касбий қўникма, мўтассаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуслари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

06.01.07- Мевачилик ва узумчилик ихтисослигига вазифаси - талабалар билимларини чуқурлаштириш ва боғ шароитида мевалар етиштиришнинг илғор ва инновацион технологиялари тўғрисида, мева ва узумларни аҳамияти, ташқи муҳит омилларига кўра гуруҳларга ажратиш, кўпайтириш усусларини ўрганиш, ўсимликларни ўсиш ва ривожланиш босқичларини билиш меваларни уруғлари ҳамда кўчатлари тузилиши талабани ушбу фан бўйича олган назарий ва амалий билимларини курс иши ва битирав ишларини бажариш билан реал шароитида қўллаш бўйича қўникма ҳосил қилишдан иборатdir.

06.01.07- Мевачилик ва узумчилик ихтисослиги таянч докторантурага кирувчи даъвогарлар учун 5A411002 — Мевачилик 5A411003 -Узумчилик ва узумни дастлабки қайта ишлаш мутахассисликлар ўқув режасига асосан ихтисослик фанлари бўйича: Мевачилик, Узумчилик, Субтропик ўсимликлар, Мева кўчатзори, Мева экинлари селекцияси ва навшунослиги, Интенсив мевачилик фанларидан тест саволлари шакллантирилган. Бу фанлар ўз негизида қамраб олинган маълумотлар қўйида батафсил келтирилган.

### **Мевачилик фани бўйича:**

Мевачилик фани ва ўсимлишнуносликнинг тармоғи сифатида. Мевачилик фан ва тармоқ сифатида. Ўзбекистон Республикасида мева ва резавор мева ўсимликларини етиштиришни халқ хўжалигидаги аҳамияти. Мева боғларини давлатлараро ва қитъалараро жойлашганлиги. Мевачиликнинг дунё бўйича аҳволи. Мевачиликнинг Ўзбекистондаги қисқача аҳволи ва ривожланиш истиқболлари. Мева ва резавор мева ўсимликларининг морфо-биологик гурухлари. Уруғли, данакли, резавор, ёнғоқмевалар ва субтропик меваларнинг турлари ва ботаник номлари. Мева ва резавор мева ўсимликларининг ер устки қисми, ҳосилга кириши ва яшашига кўра гуруҳлаш. Мева ва резавор мева ўсимликларининг ташқи муҳит омилларига талаби. Мева ўсимликларининг ташқи муҳит омилларига муносабати. Талабчанлиги, чидамлилиги, совуққа бордошлиги,

толерантлиги. Мухит шароитини ҳарорати, ёруғлиги, ҳаво ва тупроқ намлигини, биологик омилларига муносабати.

Мева ва резавор мева ўсимликларини кўпайтиришни биологик асослари ва мева кўчатларини етиштириш. Мева ва резавор мева ўсимликларини жинсий (уруғдан) ва жинсиз (вегетатив) йўл билан кўпайтириш. Мева кўчатзорини аҳамияти, вазифалари, типлари ва асосий қисмлари. Мева дaraohтлари учун асосий пайвандтаглар. Мевали экинлар кўчатини етиштириш усуллари. Мева кўчатзорини аҳамияти, вазифалари, типлари ва асосий қисмлари. Кўчатларни етиштириш учун жой танлаш.

Мева боғи барпо қилиш ва мева кўчатлари ўтказиш. Мева боғи борпо қилиш учун жой танлаш ва боғ майдонини ташкил қилиш. Мева турлари ва навларини танлаш хамда тур ва навига қараб дaraohтларни жойлаштириш усулини жорий қилиш. Боғ мева дaraohтларини жойлаштириш усуллари ва қатор ораларидан фойдаланиш. Боғ участкасини режалаш. Боғларни сугориш, ўғитлаш ва мулчалашнинг аҳамияти.

Боғ қатор ораларига ишлов бериш тизими. Боғларда ерга ишлов бериш системаси. Боғ қатор ораларидан фойдаланиш усуллари. Қоплама экинлар (сидератлар) ҳақида маълумот. Бегона ўтларга қарши курашишда гербецидлардан фойдаланиш. Боғларни сугориш ва ўғитлаш усуллари ва меъёрлари.

Мева боғида шакл бериш ва буташ усуллари. Мева дaraohтларига шакл бериш ва буташнинг аҳамиятли жихатларини, хосилдорликни ошириш омилларини урганиш. Мева дaraohтларига шакл бериш усуллари. Мева ўсимликларини буташ даврлари ва техникаси. Палметта дaraohтларига шакл бериш.

Резавор меваларнинг агротехник хусусиятлари. Резавор мева ўсимликларининг халқ хўжалигидаги аҳамияти. Қулупнай, қулупнайзорни парвариш қилиш, Малина, малиназорлар барпо қилиш ва Смародина (Қорағат)ни халқ хўжалигидаги аҳамияти ва истиқболлари. Резавор мевали боғларни тоғли зоналарда барпо қилиш, боғларни лойиҳалаш ва лойиха топширигини тузиш.

### **Интенсив мевачилик фани бўйича:**

Ўзбекистон Республикаси ва хорижий мамлакатларда интенсив боғдорчиликни ҳозирги ахволи ва ривожланиш истиқболлари. Ўзбекистон Республикаси ва бошқа ривожланган мамлакатларда мева экинларини халқ хўжалигидаги аҳамияти. Меваларни саноат даражасида етиштириладиган туманлари. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган меваларни асосий интенсив турлари, хиллари ва навлари. Навларнинг тупроқ-иқлим шароитига талаби. Кўпайтиришни интенсив усуллари ва пайвандтаглари. Мевачиликни экологик тизим ва иқтисодиётдаги ўрни.

Интенсив мева ўсимликларининг стандарт навларини тавсифи. Мева экинлардан олма ва нокни интенсив навларини келиб чиқиш ватани, ботаник

белгилари, ҳаётини давомийлиги, истеъмол қилинадиган органлари, ишлаб чиқариш ҳамда бошқа белгиларига кўра классификацияси ва уларини гурухларга бўлиш.

Вегетатив кўпаядиган интенсив типдаги пайвандтагларни морфобиологик хусусиятлари ва етиштириш технологияси. Мева экинлари учун қўлланиладиган асосий интенсив пайвандтаглари хили ва уларнинг таснифи. Мевалилар турларининг интенсив пайвандтагларини етиштириш технологияси. Экиш усуллари ва муддатлари. Озиқали тувакча ва маҳсус кубикларда интенсив пайвандтагларни ўстириш. Пайвандтагларни вегетатив кўпайтириш. Она боғлар барпо этиш. Апробациядан ўтказиш. Вегетатив кўпайтириш усуллари: тик ва ётқизилган пархишлар, ёғочланган новдалардан, қаламчалаш ҳамда яшил қаламчалардан кўпайтириш. Пархиш бўлимининг механизацияси. Интенсив пайвандтагларни ковлаб олиш, саралаш, кўмиб кўйиш ва сақлаш.

Интенсив мевали экинлар кўчатларини етиштиришни замонавий технологияси. Интенсив кўчатзор учун ер танлаш. Тупроқни тайёрлаш, участкани режалаш, тайёр кўчатларни тарбиялаш, бегона ўтларга қарши курашиш, суғориш, ўғитлаш ва тупроқни юмшатиш. Мева экинларини пайванд қилиб кўпайтириш усуллари ва кўчатларини етиштиришни замонавий технологияси.

Интенсив боғларни барпо қилиш технологияси. Интенсив мевали боғлар барпо қилиш. Мевали боғларни лойихалаш. Лойиха топширигини тузиш. Жадаллашган боғларни асосий турлари. Боғ учун ерни тайёрлаш. Ҳимоя қилиш ўсимликларни (ихота дараҳтзорларни) уларнинг аҳамияти, барпо этиш ва парвариши. Йўллар тармоғи. Боғ кварталларининг ҳажми, шакли ва жойлаштириш рельефи, ташкилий – иқтисодий омиллари, суғориш тармоқларини жойлаштириш, суғориш техникаси ва ҳимоялаш усуллари.

Интенсив боғларга шакл бериш ва кесиш. Интенсив шакл бериш ва буташнинг аҳамиятли жиҳатларини, ҳосилдорликни ошириш омилларини ўрганиш. Мева дараҳтларига шакл бериш усуллари. Мева ўсимликларини буташ даврлари ва техникаси. Палметта дараҳтларига шакл бериш.

Интенсив боғ қатор ораларига ишлов бериш тизими. Боғларда ерга ишлов бериш системаси. Боғ қатор ораларидан фойдаланиш усуллари. Қоплама экинлар (сидератлар) хақида маълумот. Бегона ўтларга қарши курашишда гербецидлардан фойдаланиш. Боғларни суғориш ва ўғитлаш усуллари ва меъёrlари.

Интенсив боғлар ҳосилини парвариш қилиш. Интенсив боғларни баҳорги совуқлар таъсиридан ҳимоялаш усуллари. Совуқдан заарланган интенсив мева боғларни қайта тиклаш. Мева дараҳтларининг совуқча чидамлилиги, уларнинг келиб чиқишига, ҳар бир туман ва вилоятнинг тупроқ иқлим шароитига қай даражада мослашганлигига, мева дараҳтларининг тури ва навларини тўғри жойлаштириш. Меваларни йифиб-териб олиш муддати

уларнинг тури ва нав хусусиятларига, маҳсулотга қўйиладиган талабга ва улар қандай мақсадларда фойдаланилишига қараб белгилаш.

### **Мева экинлари селекцияси ва навшунослиги фани бўйича:**

Мева селекцияси ва навшунослиги фанининг мақсади ва вазифаси. Мева экинлари селекцияси, навшунослиги фанини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришнинг илмий тармоғи сифатида ўзлаштириш; мева-резавор экинлари турлари ҳамда нав ва дурагайларининг тавсифи ва морфологик белгиларни ўрганиш; гулларнинг тузилиши, гулларнинг чангланиш биологиясини ва чатиштириш техникасини мукаммал ўрганиш; янги нав яратиш учун дастлабки материалларни излаб топиш, селекция жараёнларини ташкил этиш ва элита уруғларини етиштириш технологиясининг хусусиятларини ўрганиш. Меварезавор экинлари навшунослигининг экилиш ва навдорлик сифатларини яхшилаб бориш тадбирларини ишлаб чиқиш ва қўллаш.

Селекция манбалари ва бирламчи материаллар яратиш. Баҳо бериш усуллари. Селекция жараёнининг моҳияти. Уч босқич: бирламчи материал яратиш, танлаш ва синаш. Бирламчи материаллар яратиш йўллари ва манбалари. Интродукция, натурализация ва акклиматизация тушунчалари. Ўсимликларни селекция ишларининг йўналишларига қараб баҳолаш. Айрим белгилар ёки белгилар мажмуи билан баҳолаш: ўсув даври давомийлиги, меваларнинг товарбоплик хусусиятлари, механизация ёрдамида етиштиришга яроқлилиги бўйича баҳолаш ва ҳоказо.

Помология асослари. Мева экинлари навларини хўжалик биологик тамондан ўрганиш. Мевачилик нав тушунчasi . Навшунослик тарихи. Фарбий Европа мамлакатларида навшуносликни ривожланиши. Мева ва резавор мевали экинлар навларини ўрганиш босқичлари ва усуллари. Навларни муҳим хўжалик ва биологик хусусиятларини ўрганиш усуллари. Навлар биологияси. Навларнинг энг асосий морфологик белгилари. Белгиларни ўзгарувчанлигини аниқловчи омиллар. Навларни помологик таърифлаш схемаси. Районлаштирилган меваларни кўпайтириш ва нав тозалигини сақлаш.

Селекция усуллари. Турлар аро ва турлар ичida чатиштириш. Янги нав яратишда табиий ва оддий дурагайлардан фойдаланиш, ўз-ўзини чанглаш (инцуҳт) усули. Мева экинлари селекциясида полиплоидлардан фойдаланиш. Мутацион ўзгарувчанлик. Сунъий мутагенез ва мутаген омиллар. Куртаклар вариацияси ёки жузъий ўзгариш. Уларни аниқлаш усуллари. Фенотипик ва генотипик ўзгарувчанлик. Янги нав яратишда ота-она жуфтларини танлаш илмий асослари. Нав моделини яратиш. Ота-она жуфтларини экологик, географик тамойил бўйича танлаш, чатиштириш хиллари. Оддий ва мураккаб чатиштириш. Реципрок чатиштиришнинг аҳамияти. Турлараро чатиштириш, мева экинлари селекциясида унинг аҳамияти. Узокдан чатишмасликни бартараф қилиш. Дурагай ниҳолларни ўстириш технологиясининг ўзига хос хусусиятлари. Ниҳолларга баҳо бериш ва уларни танлаш.

Ўзбекистонда уруғли ва данакли мева экинларининг селекцияси. Мевали, резавор мевали экинлари хусусий селекцияси. Олма, нок, ўриқ, гилос, шафтоли, олхўри селекцияси вазифалари. Экишга рухсат этилган резавор меваларни яхшилаш ва бойитиш. Янги навлар яратишда ота-она жуфтларини танлаш принциплари. Ўзбекистонда уруғли ва данакли мева экинлари навларини экологик-географик гуруҳлари. Уларнинг таснифи. Селекция учун бирламчи материал танлаш. Селекция усуллари, чатиштириш, дурагай ниҳолларини ўстириш. Мавжуд навлар мажмуининг қиёсий таснифи. Навлар мажмуини яхшилашда индродукциянинг аҳамияти

### **Мева кўчатзори фани бўйича:**

Мева кўчатларини етиштиришни аҳамияти. Мева кўчатларини етиштириш технологияси фан сифатида мева ўсимликларини кўчатларини айрим хусусиятларини илмий асосланган ҳамда уларнинг етиштиришнинг прогрессив усулларини қўллаб арzon ва юқори сифатли, тегишли тур ва навга хос кўчатлар етиштиришдан иборат.

Ўзбекистон кўчатчилигининг асосий масалалари ва уларни хал этиш йўллари. Мева кўчатзорини ўсиши: экиладиган майдонини кенгайтириш, жамоа, давлат ва деҳқон фермер хўжаликларини кўчатзорларини ривожлантириш, томорка хўжаликларини кенгайтириш, ихтисослашган мевачилик хўжаликларини кўчатзорларини концентрациялаш. Эртаги, ўртаги ва кечки муддатларда экиладиган мева турларини кўчатлари учун ерни экишга тайёрлаш. Минерал ўғитларни қўллаш усуллари асосий экиш олдидан ва экиш пайти даврида ҳамда ўсув даврида ўғитларни қўллаш. Намунали кўчатзорлар ташкил қилиш.

Намунали кўчатзорлар қилмасдан туриб боғдорчиликни ривожлантириш мумкин эмас. Мева кўчатларидан боғ ва мевазорлар барпо қилиш ҳамда уларни ремонт қилиш учун стандартга жавоб берадиган, район шароитига мос келадиган шу билан бирга аҳолининг хўл ва қуруқ меваларга, озиқ-овқат саноатини эса хом-ашёга бўлган талабини қондира оладиган тур ва навлардан иборат кўчатлар етиштирилиши зарур.

Кўчатларни ўсиш ва ривожланиш босқичлари. Кўчатларни ташқи муҳит омилларига муносабати. Талабчанлиги, чидамлилиги, совуққа бордошлиги, толерантлиги. Ҳарорат, ёруғлик, атмосфера газларига, ҳаво ва тупроқ намлигига, биологик омилларига муносабати. Кўчатларни экиш схемаси, жойлаштириш қалинлиги ва озиқа майдонига муносабатини назарий жиҳатидан асослаш.

Мева дарахтлари учун пайвандтагларни танлаш. Мева дарахтларининг маданий навларини пайвандлаш учун ўстирилган пайвандтагларни танлаш. Пайвандтаглар ўсиш характеристига қараб кучли, ўртача ва кучсиз ўсадиган ёки пакана пайвандтагларга бўлиш. Улар совуққа чидамлилиги жиҳатидан турлича бўлишини, ҳосилга эрта ёки кеч киришини, сувга талабчан, касаллик ва зааркундаларга чидамли ва ҳоказоларни ўргатиш.

Пайвандтагларни уруғдан ва вегетатив кўпайтириш. Уруғ пайвандтаг она боғларни ташкиллаштириш. Уруғ тайёрлаш ва саклаш. Уруғларнинг униб чиқиши мейёри. Уруғларни қумлаш (стратификациялаш). Экиш усуллари ва муддатлари. Экиш мейёrlари. Уруғ кўчатлар парвариши. Қулупнай, қорағат ва малиналарнинг элита кўчатларини етиштириш тизими. Мевали ўсимликларни стандартга киритилган навларини етиштириш технологиясини ўрганиш.

Мева кўчатзорининг биринчи ва иккинчи даласида амалга ошириладиган тадбирлар. Мева кўчатзорининг биринчи уруғ кўчатли дарахт турлари даласи бир йиллик уруғ кўчатлардан ёки клон пайвандтаг новдасини экиш билан барпо қилишни ўргатиш. Пайвандтагларни кўчатзорни биринчи даласига экиш схемаларини белгилаш. Бир гектар майдонга сарфланадиган пайвандтагларни аниқлаш. Кўчатзорнинг иккинчи даласида бир ёшли кўчатларни ўстириш ва шакл бериш. Бу ерда асосий иш – қишигача марказий пояси (шохи) ва ён шохлари бақувват бўлиб ўсган ҳамда ёғочлиги яхши етилган кўчатлар етиштиришдан иборат.

Токни кўчатини етиштириш технологияси. Ток кўпайтириш йўллари. Вегетатив кўпайтириш. Апробация селекция турлари. Она токзор. Қаламчалар тайёрлаш ва экишга ҳозирлаш. Ток кўчатзорини ташкил қилиш. Кўчатларни экиш схемаси, жойлаштириш қалинлиги ва озиқа майдонига муносабатини назарий жиҳатидан асослаш.

### **Субтропик ўсимликлар фани бўйича:**

Субтропик мевали ўсимликларининг келиб чиқиши, ботаник таркиби ва тарқалган зоналари. Субтропик ва тропик ўсимлигини ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти. Субтропик ва тропик меваларини саноат даражасида етиштирадиган туманлар. Ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган асосий турлари, хиллари ва навлари. Навларнинг тупроқ ва иқлим шароитига талаби. Кўпайтириш усуллари ва пайвандтаглари. Уларни шифобаҳшлиги, экологик тизим ва иқтисодиётдаги ўрни.

Субтропик мевали ўсимликларининг ташқи муҳит омилларига бўлган талаби. Мева ўсимликларининг ташқи муҳит омилларига муносабати. Талабчанлиги, чидамлилиги, совуққа бордошлиги, толерантлиги. Муҳит шароитини ҳарорати, ёруғлиги, ҳаво ва тупроқ намлигини, биологик омилларига муносабати. Субтропик мевали ўсимликларини купайтиришни биологик асослари ва кўчатларини етиштириш технологияси. Субтропик мева ўсимликларини жинсий (уругдан) ва жинсиз (вегетатив) йўл билан кўпайтириш. Субтропик ва тропик мева ўсимликлар кўчатзорини аҳамияти, вазифалари, типлари ва асосий қисмлари. Субтропик дарахтлари учун асосий пайвандтаглар. Субтропик ва тропик мевали экинлар кўчатини етиштириш усуллари. Мева кўчатзорини аҳамияти, вазифалари, типлари ва асосий қисмлари. Кўчатларни етиштириш учун жой танлаш.

Субтропик мевали боғларни барпо қилиш технологияси. Субтропик мевали боғи борпо қилиш учун жой танлаш ва боғ майдонини ташкил қилиш. Мева турлари ва навларини танлаш ҳамда тур ва навига қараб дараҳтларни жойлаштириш усулини жорий қилиш. Боғларда мева дараҳтларини жойлаштириш усуллари ва қатор ораларидан фойдаланиш. Боғ участкасини режалаш. Боғларни сугориш, ўғитлаш ва мулчалашнинг аҳамияти.

Субтропик мевали дараҳтларни кесиш ва шакл бериш. Субтропик мева дараҳтларига шакл бериш ва кесиш аҳамиятли жиҳатларини, ҳосилдорликни ошириш омилларини ўрганиш. Субтропик мевали дараҳтларига шакл бериш усуллари. Субтропик мева ўсимликларини буташ даврлари ва техникаси. Субтропик мева ўсимликлар ҳосилини парвариш қилиш ва ҳосилни йиғиб-териб олиш муддатлари режасини тузиш.

### **Узумчилик фани бўйича:**

Узумчиликнинг ривожланиш тарихи, ҳозирги ҳолати, истиқболи ва аҳамияти, узум морфологияси, биологияси ва анатомияси, узумни кўпайтириш усуллари, кўчатларини етиштириш технологияларининг ўзига хос хусусиятлари, узумни янги юқори ҳосилли нав намуналари тавсифи, экиш муддатлари ва усуллари, узум меваларининг кимёвий таркиби ва озиқалик қийматини, узумнинг келиб чиқиш маконлари, филогенези ва антогенезини; узумни тупроқ шароитига кўра навларни жойлаштириш, ерни экишга тайёрлашни; узум кўчатларини экишга тайёрлаш ва экишни; узум кўчатини экиш қалинлиги, озиқланиш майдони ва юза бирлигидаги ўсимликлар сонини аниқлашни; ўсимликларни сугориш муддатлари, миқдори ва усулларини; токзорларни минерал ва органик ўғитлар билан озиқлантиришни; ток касалликлари ва зааркунандаларига қарши кимёвий ҳамда биологик усуллардан фойдаланиб курашишни; узум етиштиришдаги истиқболли технологияларини; узумчиликда селекция жараёнлари ва нав яратиш технологияларини; узумчиликда чатиштириш учун ота-она жуфтлари ва бирламчи материалларни тўплаш, ток тузилиши ва айрим ўсиш ҳамда ривожланиш жараёнларини биологиясини ҳамда ҳосилдорлиги аниқлаш; уларнинг биологик – морфологик таснифини билиш; ток навларини ҳўраки, кишишибоп ва винобопларга ажратиш; узумни ўсиш фазалари ва даврлари ҳақида тушунча; ток ўсимликларни кўпайтиришнинг биологик асосларини ўзлаштиришни билиш керак.

### **Адабиётлар рўйхати**

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017-. - 55 бет.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. Тошкент, “Ўзбекистон” НМИУ, 2017 -47 бет.

3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. “Ўзбекистон” НМИУ, 2017-. -485 бет.
4. Аброров Ш. Замонавий интенсив гилос боғлари. Baktria press. Тошкент, 2018. 8-50 б.
5. Аброров Ш, Нормуратов И, Султонов К. Ўзбекистонда замонавий интенсив олма боғлари. – Тошкент, 2016 й. 15-25 б.
6. Арипов А.У., Арипов А.А. Уруғли интенсив мева боғлари.-Тошкент: «SHARQ», 2013. 108-121 б.
7. Буриев Х.Ч. «Ҳаваскор боғбонга қўлланма», Тошкент, 2003 й. С.58-60.
8. Мирзаев М.М., Собиров М.К. Боғдорчилик. Т., 1987. Ўқув қўлланма.
9. Нормуратов И.Т., Адилов Х.А., Намозов И.Ч., Жанакова Д.У., Сатторов О.О. Мева қўчатзори. Тошкент, “ТошДАУ нашриёти” 2018 й., 25-40 б.
10. Останақулов Т.Э., Нарзиева С., Ғуломов Б.Х. Мевачилик асослари. С., 2011.
11. Останақулов Э.Т., Исламов С.Я., ва бошқалар. “Мевачилик ва сабзавотчилик” Мевачилик. Дарслик. Тошкент, 2018., 80-100б.
12. Ражаметов Ш., Аброров Ш. Замонавий интенсив нок боғларини яратиш ва парваришилаш технологияси. – Тошкент, «Baktria press», 2018. – Б. 38-44.
13. Ражаметов Ш., Нормуратов И., Адилов Х., Жанакова Д. Мева, резавор мева ва ток қўчатзорларини ташкил этиш. – Тошкент, “Baktria press”, 2018. – Б. 25-58.
14. Рыбаков А.А., Остроухова С.А. Ўзбекистон мевачилиги. Т., 1981. Ўқув қўлланма.
15. Темуров Ш.С. – “Узумчилик” Тошкент 2002. 120-180 б.
16. Файзиев Ж.Н, Енилеев Н.Ш, Адилов Х.А. Мевачилик.- Тошкент, Тош Дау, 2015-. б. 4-32. 17. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экиш учун тавсия этилган қишлоқ хўжалик экинлари Давлат Реестри. Т., 2018.
18. Ғуломов Б.Х., Исломов С.Я., Нормуратов И. Цитрус экинларини этишириш технологияси. Тошкент 2012й. Ўқув қўлланма. 19. Ғуломов Б.Х., Ш.Аброров, И.Нормуратов. Мевали дараҳтларга шакл бериш, кесиш ва пайвандлаш. Baktria press нашриёти. Тошкент, 2013. Б.7-65.

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ТАЯНЧ  
ДОКТОРАНТУРА ИХТИСОСЛИКЛАРИГА КИРИШ СИНОВЛАРИ  
УЧУН МАХСУС ФАНЛАРДАН Даъвогарларнинг  
БИЛИМЛАРИНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

|  |            |
|--|------------|
| <b>Синов топшириш шакли</b>                    | Ёзма       |
| <b>Ажратилган вақт</b>                         | 120 дақиқа |
| <b>Саволлар сони</b>                           | 5          |
| <b>Ҳар бир савол учун<br/>белгиланган балл</b> | 20         |
| <b>Максимал балл</b>                           | 100        |
| <b>Ўтиш бали</b>                               | 55         |